Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 4 (2024) · “Milliy iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish va yuqori iqtisodiy o‘sish sur’atlarini ta’minlashning ustuvor yo‘nalishla...

ta’minlashning ustuvor yo‘nalishlari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

«шоковой терапии». Модернизация в системе образования не нарушает вышеназванные принципы.

Список использованной литературы

1. Кларин М.В. Инновации в обучении: метафоры и модели: Анализ зарубежного опыта. М., 1997
2. Новые педагогические и информационные технологии / Под ред. Полат Е.С. - М.: 1999.
3. Педагогические технологии:понятия, принципы и методы внедрения.(Сб.материалов из интернета)/сост. С.Махкамова –Т.,2003.
4. Сластенин В.А., Подымова Л.С. Педагогика: инновационная деятельность. М., 1997.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТИНИ ЁРИТУВЧИ “ИҚБОЛ” ГАЗЕТАСИДА ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗДОШЛАРИНИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛИШИ

Юсупова Севара Низамитдиновна
Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.
Позилова Мафтунхон Мирзохиджон қизи
Андижон давлат педагогика институтининг Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (тарих) йўналиши 1-босқич магистранти

Аёлни муқаддас билиш, унга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, озод ва обод юртимиз келажаги бўлган ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялашдаги беқиёс ўрнини яна бир бор эътироф этиш, баркамол, оқила хотин-қизлар авлодини вояга етказиш, улар орасидаги иқтидорли ёшларнинг таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт, ахборот технологияларини ривожлантириш ва жамоатчилик фаолиятидаги ютуқлари, тенгдошларининг миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маънавий қадриятларга эътиқодининг юксалиши йўлидаги ибратли фаолияти, кенг кўламли ислоҳотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида.

1999 йил 10-июнь, кўплаб қизлар орзу қилган “Зулфия” номидаги давлат мукофоти таъсис этилган кун. Биринчи президентимизнинг 2326-сонли фармонига мувофиқ.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари соҳалари ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли хотин-қизларга берилиши тасдиқланди.

Албатта “Зулфия” номидаги давлат мукофоти совриндорлари жамиятимизнинг энг фаол, иқтидорли, ижодкор хотин-қизлари ҳисобланишади. Уларнинг фаолияти ва эришган ютуқлари ҳамиша эътибор марказида. Уларга бўлган эътиборни кичик бир намунасини “Иқбол” газетасида мисолида хам кўришимиз мумкин.

2011-йил 10-февралда чиққан 7-сонида Раъно Ҳайтбоева ва Зулхумор Акбарова “Зулфия номидаги давлат мукофотига номзодлари ҳақида ҳикоялар” сарлавҳа остида чиқарилган мақолада номзодлар ҳақида маълумотлар борилган жумладан: 2010 йилда "Келажак овози" кўрик-танловининг вилоят босқичида бадиий ижод ва публицистика йўналиши бўйича 2-ўринни эгаллаган АДУ қошидаги 5-академик лицей хорижий тиллар йўналишининг 3-босқич талабаси бўлган Гулруҳсор Маматқулова, "Ўзбекистон ёруғ истиқболи - менинг тасаввуримда" шиори остида ўтказилган "Энг иқтидорли шоир" вилоят кўрик-танловида 2-ўринни, "Келажак

Published: 23.12.2024

Cite this article: Юсупова Севара Низамитдиновна, Позилова Мафтунхон Мирзохиджон қизи (2024). Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий - маърифий фаолиятини ёритувчи “Иқбол” газетасида Зулфияхоним издошларини эътироф этилиши. Emro Science and Education, 1(4). https://journal.emro.uz/public/maqola/1135

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

овози" вилоят кўрик-танловида бадиий ижод ва публицистика йўналиши бўйича 3-ўринни эгаллаган Андижон шаҳридаги 2-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Мафтуна Ибрагимовалар ва 2008 йилда ўтказилган "Нафосат" анжуманида, "Ёш қаламкашлар" танловининг вилоят босқичида, 2009 йилда эса "Оила - муқаддас даргоҳ" номли иншолар танловида фахрли ўринларни эгаллади. "Ёш ҳунармандлар" каштачилик йўналишида эса 1-ўрин соҳиби бўлган Хўжабод тумани 1-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Юлдузой Ўрмонова. Зулфия номидаги Давлат мукофотига адабиёт йўналиши бўйича ўз номзодларини илгари суришган бўлса.

Шу йили 17-февралда чиққан 8-сонда Маҳфуза Норбоева ва Улуғбек Абдусалимовлар ҳам шу сарлавҳа остида:

2004 йил "Москва маданий ёдгорликлари болалар нигоҳида" болалар ижодиёти Халқаро фестивалида қатнашиб, "Сурат кўрик-танлови" йўналиши ғолиби бўлган Андижон давлат университетининг хорижий тиллар факультети 3-босқичида таҳсил олаётган Гузалия Нугманхўжаева, "Субъектив баҳо муносабатининг она тили тилшунослигидаги ўрни" мақоласи эса "Филологиянинг долзарб муаммолари" тўпламига, "Модалликни ўргатиш методи" мавзусидаги илмий мақоласи эса "Илм уммонидан қатралар" тўпламидан жой олган ва "Лицей маликаси" ва "Кийиниш маданияти" танловларида учинчи, ўз гуруҳи билан заковат ва волейбол мусобақаларида эса иккинчи ўринни эгаллад Андижон давлат университетининг филология факультети талабаси Деҳқонова Гулбаҳор ва Андижон давлат университети қошидаги 4-академик лицей ўқувчиси Зийнатхон Одиловалар таълим йўналиши бўйича мукофотга давогарлар рўйхатини чоп этишган.

Зумрадхон Абдуллаева, Зоҳиджон Қодирова ва Улуғбек Абдусаломовлар 2011-йили 24-февралда чиққан 9-сонда Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар ҳақида ҳикоялар сарлавҳаси остида маълумотлар беришган.

2011-йил Ўзбекистон Бадиий академиясида ўтказилган "Тасвирий санъатҚ5" ҳафталигида фаол иштирок этиб, олтин медални қўлга киритган Вилоят ихтисослашган санъат мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси Садоқат Қобилжонова, санъаткор бўлишни истаган Қўрғонтепа туманидаги 28-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Ўғилой Ҳусанбоева, "Келажак овози" танловининг бир неча бор ғолиби бўлган Андижон давлат университетининг хорижий тиллар факультети 3-босқич талабаси Гулҳаё Азизова.

Кейинги 3-мартдаги 10-сонда эса Улуғбек Абдусаломов санъат йўналиши бўйча номзод “Ёш қаламкашлар ҳамда иншолар” танловининг ғолибаси, ҳабибий музейи қошидаги "Ёш ижодкорлар" клуби ва коллеждаги "Debate club"нинг фаол аъзоларидан бири. Пахтаобод иқтисодиёт коллежи 2-босқичида талабаси Уффора Ҳабибуллаеванинг ютуқларини эътироф этган бўлса. Маҳфуза Норбоева ва Раъно Ҳайдарова

Андижон давлат университетининг жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети 1-босқичида талабаси. 2010 йили синхрон сузиш бўйича Тошкентда ўтказилган Халқаро турнирда иштирок этиб, дуэт йўналишида 1-ўринга сазовор бўлган Мавлуда Ғаффорова.

Андижон Олимпия захиралари спорт коллежининг "Енгил атлетика" йўналиши 2-босқич талабаси. 2009 йили Гулистон шаҳрида ўтказилган "Умид ниҳоллари-2009" спорт мусобақаларида 2 та олтин медални қўлга киритган, умумжамоа ютуғига катта ҳисса қўшган. 2010 йили Самарқанд шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган республика биринчилигида 2 та олтин, 1 та кумуш медал соҳибаси

бўлган Неъматжонова Дурдонанинг спортда эришган ютуқларини кенг оммага тақдим этишган.

Иқбол газетасини 11-сонида эса ғолибни табриклаш мақсадида “Мукофот муборак Юлдузой” сарлавҳаси остида таҳририят ғолибга табрик йўлланган.

Бу албатта юртимизда хотин-қизларга бўлган эътиборнинг бир кичик намунаси халос. Айниқса ҳозирги кунларда хар соҳада уларни қўллаб қувватланиши ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши бутун дунё эътиборида. Бунга жавобан хотин-қизларимизни спортда дейсизми, илм-фанда дейсизми эришиб келаётган ютуқлари ислоҳотлар зое кетмаётганини кўрсатади

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШДАГИ ЯШИРИН ХАРАЖАТЛАРНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ

Рашитова Нилуфар Хатамбаевна
Тошкент шаҳридаги халқаро Вестминстер университети
Илмий бўлим ходими, и.ф.н.,
e-mail: nrahsitova@wiut.uz

АннотацияЎзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги, айниқса пахта ва буғдой етиштириш, ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бироқ, бу экинларни етиштиришга таяниш кўпинча сиёсат ишлаб чиқишда ва жамоатчилик муҳокамасида эътибордан четда қолаётган муҳим яширин харажатларни келтириб чиқаради. Ушбу тадқиқотда Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан ишлаб чиқилган “Ҳақиқий харажатлар ҳисоби” методологиясига асосан экологик омилларнинг яширин харажатлари тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: яширин харажатлар, пахта етиштириш, буғдой етиштириш, ҳақиқий харажатлар ҳисоби, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат қиймат занжири, иссиқхона газлари эмиссияси, сув танқислиги, тупроқ деградацияси, ўғитлар сизиб чиқиши, пестицидлар билан ифлосланиш, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)

Кириш Ўзбекистон Республикасининг “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясида кўрсатиб ўтилганидек, иссиқхона газлари эмиссиясини камайтириш, яъни 2030 йилга келиб ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган иссиқхона газлари чиқиндилари миқдорини 2010 йилдаги даражадан 35 фоизга пасайтириш, сув ресурсларини бошқариш, яъни сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида бир миллион гектаргача майдонда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш каби асосий вазифалар сифатида кўрсатилган бўлиб [1], бу вазифаларни бажаришда қишлоқ хўжалиги тармоғининг ҳам ҳиссаси катта ҳисобланади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги сектори миллий ялпи ички маҳсулотнинг деярли 25 фоизини ташкил этади ва аҳолининг катта қисмини иш билан таъминлайди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида пахта ва буғдой етиштириш асосий ўринни эгаллайди. Бу экинлар узоқ вақтдан бери иқтисодий ўсиш ва қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини таъминлаб келмоқда. Бироқ, пахта ва буғдойни интенсив етиштириш атроф-муҳитнинг бузилиши, сув танқислиги ва соғлиқ билан боғлиқ муаммоларни ўз ичига олган катта ҳажмдаги яширин харажатларга олиб келмоқда. Шунинг учун бугунги кунда яшил ўсишни таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ҳисобга олинмаётган яширин харажатларни аниқлаш ва